

Ҳар бир нафснинг покланиши учта омилга боғлиқ



14:09 / 04.10.2023 3227

«Эҳсон» диннинг қалб тарбиясига боғлиқ қисми бўлиб, у одатда, «тариқат» ҳам дейилади. Бу қисмга оид диний таълимотларни ўргатадиган илм «тасаввуф илми» деб аталадиган бўлиб қолган.

Ислоннинг руҳий-маънавий ва ахлоқ-одобга оид таълимотларини Қуръони Карим ва Суннат асосида руҳий тарбия илми – тасаввуф баён қилиб беради.

Руҳий-маънавий қисм «тазкийтун-нафс» – «нафсни поклаш» деб ҳам аталади, чунки унда мўминларнинг нафсларини, яъни шахсиятларини

поклаш, уларга фазилятларни касб қилдириш ва уларни разолатлардан холи қилиш борасида ҳаракат кетади.

Ислом динида ахлоқий тарбия диний тарбиянинг ажралмас қисми ҳисобланади десак, муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, дин «яхши» деб ҳисоблаган ва даъват этган нарсалар эзгулик, «ёмон» деб ҳисоблаган ва ман этган нарсалар ёвузликдир. Шунингдек, дин буюрган, ҳаётда ва муомалада касб этишга тарғиб этган ахлоқ ва фазилятлар Ислом жамиятида олиймақом қадрият ҳисобланади.

Ахлоқий дунё ўз табиатига кўра динийдир. Ахлоқи ва муомаласи гўзал бўлмаган мусулмоннинг дини ҳам мукамал ҳисобланмайди.

«Ахлоқ» сўзи «хулқ» сўзининг кўплиги бўлиб, инсонда шаклланадиган хулқ-атвори билдиради. Тасаввуф илмида ўша хулқларнинг яхши ва ёмони, уларнинг яхшисига амал қилиб, ёмонидан четланиш йўллари баён этилади. Сўнгра ҳусни хулқ ҳақида алоҳида тўхталиб, унга оид кўплаб маълумот ва тажрибалар ўрганилади.

Мусулмонлар Аллоҳ таолонинг охири ва мукамал, мукаррам ахлоқлар дини бўлган Ислом орқали ҳусни хулқни ўзларига касб қилганлар. Уларнинг ўзлари бу улуғ неъматлардан баҳраманд бўлибгина қолмай, ўзгаларга ҳам яхшиликлар етишини истаганлар.

Ҳар бир нафснинг покланиши учта омилга боғлиқ:

биринчи омил – покланиш, яъни қалб хасталикларидан даволаниш;

иккинчи омил – тикланиш, яъни маълум мақомотларни рўёбга чиқариш;

учинчи омил – хулқланиш, яъни маълум исм ва сифатлар ила хулқланиш.

Мазкур асосдаги руҳий тарбия инсон зоти ва унинг икки дунёдаги саодати учун жуда ҳам зарурдир. Ислом дини ҳар бир мусулмонга мазкур тарбияни мукамал ҳолда тақдим этади.

Иймон-эътиқоди, дунёқараши тўғри ва соф, амаллари эзгу, ҳар бир лаҳзада, барча ҳолатда «Аллоҳ мени кўриб турибди» деган ишонч-эътиқод асосида яшайдиган, барча ёмонлик ва номаъқулчиликлардан покланган,

ҳамма яхшилик ва фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, Роббул олабийнинг хулқлари билан хулқланган, ўз зиммасидаги ҳақ ва бурчларни тўла адо этган шахсгина том маънодаги «комил инсон» бўлади.

Ислом динининг жамиятдаги хизмати ана шундай комил инсонни тарбиялаш ва ўшандай инсонлардан таркиб топган жамиятни барпо этишдир. Мақсад инсонга унинг инсонийлигини қайтариш, унинг яратилишидан кўзланган мақсадни рўёбга чиқаришдир. Сиз бунини шу сатрларгача бўлган маълумотлардан ҳам англаган бўлсангиз керак. Бу ҳам бўлса, Ислом динининг айнан инсон бахт-саодати учун юборилгани ҳамда дунёда унга эркин, фаровон, бахтли ва унумли ҳаёт, охирабда эса чексиз саодат тақдим этувчи илоҳий таълимот эканидандир десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг бевосита иштирокида айнан ана шундай жамиятнинг юзага чиқишига хизмат қилдилар. У зотга Аллоҳ таолонинг салаватлари ва саломлари бўлсин!

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.